



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 71 (13.668)

Баҳоси эркин нарҳда

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 13 апрель куни Сирдарё вилоятида бўлди.

Мустақиллик йилларида вилоят ҳар томонлама ривожланиши, шаҳар ва қишлоқлар обод бўлиб, аҳоли фаровонлиги ошди. Худудда амалга оширилаётган ислохотлар самарасида қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда саломқоли натижаларга эришилмоқда.

Президентимиз ўтган йил 17 май куни вилоятга ташриф буюриб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни билан танишган эди. Ўтган вақт мобайнида вилоятда улкан ишлар амалга оширилди. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури доирасида 2017 йил якунига қўра, умумий қиймати 507 миллиард 200 миллион сўм инвестициялар ўрнатилди, шундан 1 минг 108 лойиҳа доирасида янги қувватлар ишга туширилиб, 6 минг 200 иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари бу галги ташрифи давомида вилоятни ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши, берилган топшириқлар ижроси билан танишди.

Шавкат Мирзиёев дастлаб Сирдарё вилояти Мирзабод туманидаги "Бек кластер" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона томонидан ташкил этилган замонавий гидропоник иссиқхонада бўлди, ишчилар билан мулоқот қилди.

Президентимизнинг Сирдарё вилоятига ўтган йилги ташрифи чоғида "Бек кластер" корхонасини ташкил этиш лойиҳаси тақдим этилган эди. Ушбу лойиҳа маъқуллаб, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори қабул қилинди. Қисқа вақтда корхона ташкил этилиб, унга вилоятдан 18 минг гектар ер ажратилди. Ушбу ерларда пахта, галла ва бошқа донли экинлар

парваришланмоқда. Замонавий техникалар харид қилинган.

Мазкур кўп тармоқли кластер томонидан Мирзабод туманида 100 гектар майдонда Жанубий Корея технологияси асосида замонавий гидропоник иссиқхона барпо қилинаётган. Бу ерда йилга 50 миллион долларлик маҳсулот етиштириш ва уни 100 фоиз экспортга йўналтириш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда "Бек кластер" қўшма корхонаси қошида ўсимлик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва текшириш илмий-амалий маркази фаолиятини йўлга қўйиб режалаштирилган. Бу ерда тупроқ таҳлили, ўсимликлар биотехнологияси ва химияси, селекция ва пахта уруқчилиги, полиз ва сабазот уруқчилиги, ўсимликлар генетикаси лабораториялари очилади. Асосий мақсад қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида минглаб янги иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари иссиқхона конструкциялари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар тайёрлаш, кластер қошида ташкил этилган илмий-амалий марказ фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

– Қишлоқ ҳўжалигига илмий ёндашмай қўйганимиз сабабли, айрим экинлардан кутилган ҳосил ололмаямиз, – деди Шавкат Мирзиёев. – Шу жиҳатдан "Бек кластер" корхонаси қошида иш бошлайдиган илмий-амалий марказ фаолиятини кўллаб-қувватлаймиз. Бундай марказларни бошқа кластерларда ҳам ташкил этиш керак. Биз нафақат сифатли маҳсулот етишти-

риш, унинг харидорини топишни ҳам ўйлашимиз лозим. Бугунги замон шиддати шуни талаб қилади.

Президентимиз қишлоқ ҳўжалиги техникаларини ҳам кўздан кечирди. "Social web solution" корхонаси мутахассислари томонидан яратилган АКТ дастурига алоҳида эътибор қаратди. Бу дастур электрон савдони кенгайтириш, интернет орқали ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасида аҳолига қўллаб-қувватлаш, ундан фойдаланишни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шу ерда вилоятда балиқчилик, чорвачилик, ипакчилик ва кўнчилиқни ривожлантириш, 2018-2019 йилларга мўлжалланган ирригация ва мелиорация давлат дастури, шолчи етиштириш, лалми ва томорка ерлардан самарали фойдаланиш, ирригация-мелиорация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар ва ҳориклик инвесторлар билан мулоқот қилди, лойиҳалар самардорлигини ошириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шундан сўнг М-34 "Тошкент – Душанбе" автомобиль йўлининг 117-146 километрларидаги Тошкент қўшасида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишди. Ушбу йўлнинг икки километрида намуна сифатида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилган. Махсус пидедалар йўлакчаси, велосипедда ҳаракатланиш учун алоҳида йўлак ташкил этилган ҳамда замонавий энергия тежамкор туртки ёриткичлар ўрнатилиб, кўча бўйлаб манзарали дарахт қўчатлари экилган.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Ривожланишнинг янги босқичини ва 2018 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномасида давлат хизматларини бевосита қуйи бўғинларда кўрсатиш, маҳаллий ҳокимият идоралари учун молиявий ва бошқа имкониятларни кенгайтириш зарурати, мавжуд тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва соддалаштириш, бошқарувнинг инновацион шакллари жорий этиш лозимлиги алоҳида таъкидланган эди.

"Рекрутнинг фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистоннинг қонунчилик амалиётида биринчи марта, Халқаро меҳнат ташкилотининг "Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида"ги Конвенцияси халқаро стандартларини ва рекрутнинг фаолиятини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришнинг ҳорикий таъриба-

сини ҳисобга олган ҳолда, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳарақатлар стратегиясига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Қайд этиб ўтилганидек, қонун лойиҳасида рекрутнинг агентликлари хизматларининг асосий турлари фойдаланган бўлиб, иш қидираётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида макбул иш танлаш, иш беворчилик учун кадрлар танлаш, чет элда иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш, меҳнат бозорида ахборот ва маслahaт хизматлари кўрсатиш шулар жумласига кирди. Шунингдек, рекрутнинг хизматлари кўрсатиш шартномаларига доир мажбурий талабларни белгилөөчи нормалар мавжуд, рекрутнинг фаолияти соҳасида ваколатли давлат органи ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг мақоми ҳамда вазифалари белгиланган.

(Давоми 2-бетда)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Пойтахтимиздаги "Туркистон" санъат саройида "Ички ишлар органларининг намунали таянч пунктлари" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ФИДОЙИЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Тантанали тадбирда 2017 йил мобайнида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасида самарали меҳнат қилган, хизмат йўналиши бўйича энг яхши кўрсаткичларга эришган профилактика инспекторлари, улар билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари тақдирланди.

Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги П.Бобожонов Президентимиз Шавкат Мирзиёев ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ижтимоий йўналтирилган профессионал хизматга айланган вазифасини қўйганини, ушбу мақсадга эришиш йўлида амалга оширилган ишлар натижасида ички ишлар органлари халқ билан ҳамнафас тузилмага айланаётгани таъкидланди. Айниқса, ҳар бир маҳаллада хизмат қилаётган профилактика инспекторларининг маҳалла фаоллари,

аҳоли билан ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди.
Соҳа вакиллари иш олиб бораётган ҳудудда хизмат ўйи ҳамда имтиёзли кредит асосида энгил автомобиль билан таъминлангани хизмат сифати оширишга замин яратди. Натижада жорий йилнинг биринчи чоғида 5 минг 698 маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Бу даврда жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 41 фоиз камайишига эришилди.

2002 йилдан бери аниқланган равишда ўтказиб келинаётган "Ички ишлар органларининг намунали таянч пунктлари" кўрик-танлови ҳам профилактика хизмати ривожига хизмат қилмоқда. Яқин натижаларга эришаётган таянч пунктлари ходимларини тақдирланди, танлов давомида ўзаро таъриба алмашиш имкониятига эга бўлиши ютуқлар омили бўлаётган.

Кўрик-танловнинг мамлакат босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқарувида галиб бўлган 14 ички ишлар органи таянч пункт иштирок этди.
Самарқанд вилояти Таянч туманидаги Урай-Этилок маҳалласига хизмат кўрсатувчи ички ишлар органининг 446-сонли, Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги Бўстон маҳалласига хизмат кўрсатувчи ички ишлар органининг 420-сонли, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Отчопар маҳалласига хизмат кўрсатувчи ички ишлар органининг 32-сонли, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги Намуна маҳалласига хизмат кўрсатувчи ички ишлар органининг 2-сонли таянч пунктлари биринчилиги эътиборга олинди.

(Давоми 3-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида амалга оширилаётган соғломлаштириш дастури асосида Самарқанд вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида 12 ёшгача бўлган бемор болалар учун тиббий кўрик ташкил этилди.

Ўзбекистон Езувчилар уюмисига аъзолари Тошкент ҳарбий округининг Чирчиқ дала-ўқуви майдонидан батальон тактик гуруҳи шахсий таркиби билан ижодий учрашув ўтказди.

Китоб тумани тиббиёт бирлашмаси тасарруфидоги кардиология ва эндокринология бўлимлари янги бинода иш бошлади. "Шўртангазқимё" мажмуаси хомийлигида 1 миллиард 700 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган янги бинода шифокор ва беморлар учун барча шароит яратилган. Лаборатория ва физиотерапия хоналари замонавий жиҳозланган.

Наманган санъат коллежида Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида макочилар ансамблининг тақдимот концерти бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

Москва областининг Пушкин районида 50 киши олиб кетаётган экскурсия автобусининг энгил автомобиль билан тўқнашиб кетиши натижасида автобус ағдарилиб кетди. Дастлабки маълумотларга қўра, энгил автомобиль ҳайдовчисининг айби билан рўй берган ушбу автохалокат натижасида бир киши ҳаётдан кўз юмди, 9 нафар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш жараёнида, биринчи навбатда, ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини, жумладан ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини сифатли ташкил этиш, изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг яхлит тизимини жорий этиш йўли билан амалга оширишни кўзловчи адлия органлари ва муассасаларига муҳим роль ажратилмоқда.

Сўнгги йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида, айниқса, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, уларнинг юридик хизматларини мувофиқлаштириш, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш масалалари бўйича адлия органлари ва муассасаларининг роли ва масъулиятини ошириш имконини берди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, адлия органлари ва муассасалари фаолиятида ҳуқуқий ислохотларнинг юқори самарадорлик даражасига эришишга тўққинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд. Хусусан:

биринчидан, адлия органларининг туман (шаҳар) тузилмаларининг мавжуд эмаслиги бевосита жойлардаги ҳуқуқий муаммолар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда таъминланиш даражасининг чуқур ўрганилишига, жамиятдаги аниқ ҳуқуқий ҳолатдан келиб чиқиб манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишга тўққинлик қилмоқда;

иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил қилиш ва унинг изчиллиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқий нормаларнинг ўзбошимчилик билан ва нотўғри талқин қилинишига йўл қўймаслик юзасидан жойларда давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ҳуқуқий маслahaтлар бериш бўйича самарали ишлар йўлга қўйилмаган;

учинчидан, адлия органларига фаолият йўналишига мувофиқ бўлмаган ва бир-бирини такрорловчи, айниқса, шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш соҳасидаги вазифаларнинг юклатилганлиги давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга ошириш соҳасида уларга юклатилган биринчи даражадаги вазифаларни бажариш учун мавжуд куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш имконини бермаяпти;

тўртинчидан, амалга оширилаётган ислохотлар, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини тушунтириш бўйича жойларда адлия органларининг иши лозим даражада ташкиллаштирилмаган, бунинг натижасида эса аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданияти, айниқса, қишлоқ жойларда қониқарсиз даражада қолмоқда;

бешинчидан, юриспруденция соҳасида, авалло, халқаро ва ҳорикий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини муносив ифода этадиган мутахассисларнинг кескин етишмаслиги сақланиб қолмоқда, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида талаб юқори бўлган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича юридик кадрлар тайёрлаш тизими мавжуд эмас;

олтинчидан, адлия органлари ва муассасалари ходимларини ижтимоий ва моддий рағбатлантиришнинг паст даражада эканлиги мазкур соҳага юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, барқарор кадрлар захирасини шакллантириш имконини бермаяпти ҳамда ходимларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятига салбий таъсир кўрсатмоқда;

(Давоми 2-бетда)

одам турли даражада жароҳатланди. Улар орасида беш нафар бола бўлиб, иккитасининг аҳоли жуда огир.

Хитойда "Робокон-2018" мусобақаси бўлиб ўтди. 1996 йилдан буюн мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур мусобақада 2,5 мингдан ортиқ мутахассислар ўзларининг сўнгги ишланмалари – ҳар хил вазифаларни бажара оладиган замонавий роботлар билан иштирок этди. Фаройиб турнир давомида муҳлис ва мутахассислар бошқариладиган роботлар иштирокида футбол ўйини, кутқарувчи роботларнинг хатти-ҳаракатларидан ҳам баҳраманд бўлишди.

Пуэрто-Рико поятахи Сан-Хуан шаҳридан бир оз нарироқда жойлашган Кайей шаҳарчасининг электр узатиш тизимининг асосий қисмига дахл қулаб тушиши натижасида 840 минг киши электр қувватидан узилиб қолди. Таъкидлаш жоизки, электр қувватисиз қолган ташкилот ва муассасалар қаторида халқаро аэропорт, унга олиб келувчи метро йўналишлари ва Кариб ҳавзасидаги энг йирик "Plaza Las Americas" савдо маркази бор. Ҳозирда "Сентро медико" энг йирик касалхонаси билан бирга юқоридаги объектлар қувватнинг захиродаги генераторларига ўтказилди.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкент кўчаси бўйлаб вокзал, автобус бекатлари, масжид, сайёҳлик маркази, маданият ва маиший хизмат кўрсатиш маркази, бозор, диагностика маркази каби ижтимоий соҳа объектлари барпо этилади. Мазкур кўча 2018-2019 йилларда қурилиб, фойдаланишга топширилади.

– Йўл бўйидаги инфратузилма объектлари қурилишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Уларнинг бир-бирига ҳамохан бўлиши, умумий концепция касб этиши мақсадга мувофиқ, – деди Президент. – Йўл қурилишида шомша-шошарлик қилиш керак эмас. Бу борада сифат асосий кўрсаткич бўлмоғи лозим. Йўл бўйидаги темир тўсиқлар йўловчиларга асло ҳалақат бермаслиги керак.

Лойиҳа тўлиқ ишга туширилган, ливелар ва ҳайдовчиларга қўлай шарт-шароитлар яратилади, шунингдек, келгусида замонавий талабларга асосан Тошкент кўчаси мисолида виллоятнинг барча кўчалари қайта таъмирланади. Президентимиз Гулистон шаҳридаги сув спорти турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида қурилган ёпиқ сузиш ҳавзасини бориб кўрди.

Спорт масканидаги 25x11 ҳамда 6x12,5 ўлчамдаги сузиш ҳавзалари, бальнандиқдан сувга сарқаш спорт тури учун алоҳида зал қурилган бўлиб, ҳовузнинг ҳажми 12x10 метр ва ёш спортчилар сувга сарқатиш учун уларга мослаб 1, 3 ва 5 метр бальнандиқда трамплинлар ўрнатилган. Томошабинлар учун 250 ўриндик мавжуд. Кўнига 250 кишини қабул қилиш қувватига эга махмул барча жиҳозлар билан таъминланган, тиббиёт хоналари, тренажер, ошхона ва бошқа хоналарда спортчилар мунтазам шугулланиши мумкин. Бундан ташқари, сувни тозалаш, иситиш ускуналари ҳам ўрнатилган. Айни пайтда бу ерда сузиш бўйича ташкил этилган 15 ўқув-машулот гуруҳига 176 ёш жалб қилинган.

Ёпиқ сузиш ҳавзасининг ҳуво айланми тизимини яхшилаш, шугулланувчилар учун янада қўлай шароит яратиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Гулистон шаҳрида ташкил этилган Алишер Навоий номидаги Билимдонлар масканида бўлиб кўрди.

Шаҳарнинг Ислон Каримов кўчасидаги мавжуд хийбон қайта реконструкция қилиниб, ушбу янги маскан иш бошлади. Барча шароитлар яратилган махмулда китоб дўкони, гул дўкони ҳамда китобхоналар учун махсус айвонлар барпо этилган.

Президентимиз мазкур айвонда виллоят ижодкор тизимлари, ижтимоий соҳа, ёшлар вақиллари билан учрашди. Унда мамлакатимиз ва халқаро аҳамиятга молик масалалар ҳусусида сўз юритилди.

– Олдий одамларнинг розилигига эришиш учун ҳали жуда кўп ишлар қилишимиз керак, – деди Шавкат Мирзиёев. – Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сирдарё виллоятда ҳам янги корхоналар қуриши мумкин зарур. Бу аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини оширишда муҳим асос бўлади. Учрашувда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг билим ва малакасини ошириш йўлида қабул қилинаётган муҳим ҳужжатлар учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Билимдонлар маскани виллоят ёшларни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жисмонан ва маънаван баркамол улғайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Сирдарё туманидаги “Сирдарё мега локс” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон – Россия кўшма корхонасида қадоқлаш махсулотлари ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Таклиф этилаётган лойиҳалар, истиқболдаги режалар билан кўздан кечирди. 2012 йили ташкил этилган кўшма корхонада полипропилен гранулясида кимё, қурилиш, тўқимачлик, озик-овқат ва ноозик-овқат, фармацевтика, кишлоқ хўжалиқ махсулотларини қайта ишлаш саноати, хомашё ва материал-

лар экспорти билан шугулланувчи савдо компаниялари учун турли ўлчамдаги қадоқлаш махсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Дастлаб 75 ишчи билан фаолият бошлаган ва атиги бир турдаги қоллар ишлаб чиқарилган корхонада айни пайтда махсулот тури 17 тага, ишчи-хизматчилар сони 650 кишига етди. Махсулотларнинг 35-40 фоизи Россия, Беларусь, Украина, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Болтиқ-бўйи давлатларига экспорт қилинмоқда.

Корхонада 2018-2023 йилларда қиймати 100 миллион АҚШ доллари бўлган етти та истиқболли лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Полипропилен қадоқлаш махсулотлари, экспорт билан шугулланувчи компаниялар учун юмшоқ контейнерлар, қадоқлаш махсулотлари ишлаб чиқариш учун плёнкалар, четдан импорт қилинаётган ёрдамчи хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш каби лойиҳалар шулар жумласидандир. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 2 минг 500 киши иш билан таъминланади. Қувватлар тўлиқ иш бошлаган, йилга 125 миллион долларлик махсулот экспорт қилиниб, 80 миллион долларлик импорт ўрнини босадиган махсулот ишлаб чиқарилади. Мазкур махсулотларга ҳозирнинг ўзида МДХ, Европа Иттифоқи, Лотин Америкаси мамлакатларидан таклифлар тушмоқда.

Давлатимиз раҳбарига ушбу лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Қайд этилишича, ишга туширилаётган янги тармоқларга Россия, АҚШ, Германия, Италия, Австрия каби давлатлардаги етакчи компанияларнинг замонавий технология ускуналари ўрнатилди. Ушбу қувватлар корхона ёнида барпо этилаётган технопаркда жойлаштирилади.

Президентимиз янги махсулотларнинг харидорлигини, экспорт географиясини кенгайтириш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали ташқи бозорда Ўзбекистон махсулотларининг марказини ошириш бўйича зарур кўрсатма ва тавсиялар берди.

“Сирдарё мега локс” кўшма корхонаси ҳудудида виллоятда ишлаб чиқарилаётган саноат махсулотлари кўрғазмаси ва саноатни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Виллоятнинг географик жойлашуви ҳудуднинг саноат, логистика иқоминиятларини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлашда катта қўлайлик яратди. Виллоятда хорижий компаниялар иштирокида 90 корхона фаолият юритмоқда. Улар томонидан замонавий логистика марказлари ташкил этиш, Led лампочкалари, лифт ва эскалаторлар, қурилиш учун металл конструкциялар ишлаб чиқариш, чарм, мева-сабзавот махсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш, фармацевтика соҳаларида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2018-2019 йилларда виллоятга жалб қилинадиган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар самарасида кимё, кишлоқ хўжалиги, озик-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда қатор истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилади. Ушбу йўналишдаги 203 лойиҳа амалга оширилиши натижасида 14,6 минг иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари “Идеал асп” корхонасининг босим остида ишлайдиган ускуна ва махсус техникаларини кўздан кечирди. Мазкур сизимлар суолтирилган газни сақлаш ва ташинга мўлжалланган бўлиб, чекка ҳудудлар аҳолисини табиий газ билан таъминлашда катта қўлайлик яратди.

Президентимиз мазкур сизимларни кўп қаватли уйлар, савдо марказлари қуриш лойиҳаларига киришти зарурлигини, бу катта иқтисодий тежамкорлик келтиришини таъкидлади.

Гулистон шаҳрида жойлашган “Modern lift systems” МЧЖда энг замонавий ва энергия тежамкор технология ускуналар билан жиҳозланган лифт ва эскалатор ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳа, аввало, виллоятларда қуриладиган кўп қаватли уйларни лифт билан таъминлаш имконини беради. Йилга 500 донга лифт ва 300 донга эскалатор ишлаб чиқариш қувватига эга корхона махсулотларининг бир қисми ички бозор талабларини қондириш, 35 фоизи экспортга йўналтирилади.

“Янгиер” кичик саноат зонаси ҳудудида “Баҳромжон Нур савдо” хусусий корхонаси 2010 йили ташкил этилган. Асосан лок-бўёқ ва куруқ сувоқ материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонада янги махсулот турларини ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жорий йилдан корхонада 30 турдаги кроссовкалар ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Бугунги кунда корхонада 163 ишчи меҳнат қилмоқда.

Шу пайтгача кроссовкалар асосан четдан келтирилди. “Баҳромжон Нур савдо” хусусий корхонасининг махсулотлари импорт ўрнини қоплаш ва экспорт қилиш имконини беради.

– Мен иккита ишчи ўрни яратган тадбиркорни елкамда кўтаришга тайёрман, деган эдим. Мана шундай корхоналарни ташкил этиб, 100-200 ишчи ўрни яратадиган юрдошларимиз мамлакатимизга катта фойда келтиради, ички бозоримизни эгаллайди. Ушбу лойиҳани кенгайтириш, махсулотга кетаётган материалларни тўлиқ ўзимизда ишлаб чиқаришга эришиш керак. Бунинг учун тадбиркорга қўмақ бериш, зарур маблағ билан таъминлаш лозим, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз “Crocus Uz composite” корхонасида маҳаллий хом ашё, яъни шиша пахта, кварц куми ва эфир мойидан ишлаб чиқарилаётган лоток ва қувурларнинг афзаллигига алоҳида эътибор қаратди. Ушбу махсулотлар бетонга қараганда анча чидамли, камжарж ва узок муддат фойдаланиш мумкин.

– Бундай махсулотлар нафақат Сирдарё виллояти, балки бутун мамлакатимиз учун жуда фойдали, – деди давлатимиз раҳбари. – Сув ирофгарчилигини камайтириш, кишлоқ хўжалигида даромадини оширишда бундай инновацион ёндашувларнинг аҳамияти катта. Ушбу махсулотларни фермер ва деҳқонларга кенг тарғиб этиш керак.

Боеўв туманида “Maker International Uzbekistan” корхонаси томонидан гулжавахар (бархатец) гули етиштириш ҳисобига табиий доринг экстрактини олиш йўлига қўйилди. Бунинг учун 1000 гектар ер ажратилиб режалаштирилган. Ушбу майдонда 30 минг тонна гул етиштириш, ундан 300 тонна экстракт олиш мумкин. Гул пояси чорва учун озуқа бўлади.

Лойиҳа ишга туширилиши натижасида йилга 10 миллион долларлик дори воситалари ишлаб чиқарилади. 200 киши доимий, 1000 дан зиёд киши мавсумий иш билан таъминланади. Лойиҳанинг афзаллиги, табиий доринг экстрактини бозори бор. Хитойдан ташқари АҚШ, Испания, Мексика ва Европа давлатларига экспорт қилиш режалаштирилган. Бу юртимизга валюта тушумини кўпайтиришга хизмат қилади.

Гулжавахарнинг бир гектаридан 5 минг долларгача фойда олиш мумкин. Ушбу ўсимликдан олинган экстракт имуни тизимини мустаҳкамлайди, қон босимини пасайтирувчи хусусиятга эга. Бундан ташқари, вирусларга қарши қўрашувчан бўлгани боис жуда ҳам фойдали. Корхона ташаббускорлари ярим тайёр махсулот билан чекланиб қолмай, келгусида тайёр дори воситалари ишлаб чиқариши мақсад қилган.

Президентимиз гулжавахар ўсимлиги экиладиган майдонларни 2 минг гектарга кенгайтириш, келгуси йилларда бошқа виллоятлар ҳисобига 5 минг гектарга етказиш ва экспорт ҳажминини кўпайтириш бўйича топшириқлар берди.

Тақдимот чоғида давлатимиз раҳбарига Сирдарё виллоятидаги “PENG Sheng” мажмуаси таркибидagi “AWP” кўшма корхонасида сув жиҳозлари, жездан дастаклар, фитинглар, катта ҳажмидаги керамика плиталар, эшик қулфлари ишлаб чиқариш каби қатор янги лойиҳалар намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёев кўпроқ янги иш ўринлари ташкил этиш, маҳаллий хом ашё асосида махсулот ишлаб чиқаришга кўпроқ хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Шу кунин Сайхунобод туманидаги 8-болалар мусика ва санъат мактабиди виллоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Видеоселектор шаклида ўтган йиғилишда виллоят иқтисодиётини ривожлантириш, таълим, тиббиёт соҳаларидаги ўзгаришлар, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё виллоятга ташрифи якунига етди. **УЗА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

еттинчидан, адлия органлари ва муассасалари фаолиятига янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, уларни замонавий воситалар ва ускуналар билан жиҳозлаш қоникарсиз ҳолатда қолмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг устувор йўналишлари деб қуйидагилар:

биринчи, адлия органларини “Одилон” қонунлари қабул қилиш, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришининг гаровидир” деган концептуал гояни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ягона давлат ҳуқуқий сиёсати амалга оширилишини таъминлайдиган профессионал хизматга айлантириш;

иккинчи, адлия органларини фаолиятига, устувор равишда, танқидий таҳлил ва ҳуқуқий муаммоларни, аввало, бевосита жойларда ишларни самарали ташкил этиш йўли билан ҳал этишга асосланган, сифат жиҳатидан янги механизмларни жорий этиш;

учинчи, давлат органлари ва ташиқлотларининг туман (шаҳар) тузилмаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш, танқидий таҳлил асосида илҳом ва бир хил ҳуқуқий қўллаш амалиётини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

тўртинчи, ҳуқуқий тарғибот ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишнинг замонавий ва таъсирчан услубларини жорий қилиш, уларга қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тўғри рақарорларни қонун ҳужжатларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги нуктаи назардан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

ҳуқуқини қўллаш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш, унинг барқарорлиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

бешинчи, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини, маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларининг сифатини комплекс ва танқидий таҳлил қилишда адлия органларининг ролини ошириш, бу соҳаларда қонунчиликни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқини қўллаш амалиёти бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

олтинчи, ўз фаолиятлари юзасидан жамоатчиликка тизимли равишда маълумотлар тақдим этиш йўли билан адлия органлари мансабдор шахсларининг ҳисобот бериш тартибини жорий этиш, уларнинг аҳолини тавшишга солуви муаммоларга юзаси муносабатда бўлиш ҳолатларига чек қўйиш, шунингдек, уларнинг фаолиятини баҳолашнинг аниқ мезонларини белгилаш;

еттинчи, юридик кадрларни, айниқса, талаб қилинаётган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги мутахассисларни ўқитишнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш, юридик кадрларни етакчи хорижий таълим муассасаларига тизимли равишда юбориш;

саккизинчи, халқаро ва хорижий ташиқлотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишини самарали тизимини, халқаро жамоатчилик ва хорижий инвесторларни мамлакатда амалга оширилаётган ҳуқуқий ишлотлар ҳақида хабардор қилиш механизмларини ташкил этиш;

тўққизинчи, адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларни ижтимоий ва моддий рағбатлантиришнинг янги механизмларини, шу жумладан уларни хизмат уйлари билан таъминлашни жорий этиш;

ўнинчи, адлия органлари ва муассасаларининг барча тузилмалари фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган замонавий ахборот-ком-

муникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилган касб-ҳунар коллежлари юридик хизматларининг штат бирликлари ҳисобидан, “республика – виллоят – туман (шаҳар)” уч погонали принципи бўйича вертикал бошқаруви жорий этган ҳолда туманлар (шаҳарлар)да адлия бўлимлари ташкил этилсин.

Белгилансинки, касб-ҳунар коллежларининг тугатилаётган юридик хизматлари функциялари тегишли туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан амалга оширилади.

3. Туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар:

ҳокимларга ҳамда давлат органлари ва ташиқлотларининг туманлар (шаҳарлар) тузилмаларига қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

давлат органлари ва ташиқлотлари туман (шаҳар) тузилмаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш бўйича фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;

қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини туманлар тузилмаларидаги ижрочиларга етказиш, “республика – виллоят – туман – маҳалла” принципи бўйича ҳуқуқий тарғибот ва аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигига барҳам бериш борасида, шу жумладан ҳуқуқини муҳофаза қилувчи ва суд органлари билан биргаликда чора-тадбирларни амалга ошириш;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ва халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларини қонун ҳужжатларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги нуктаи назардан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

ҳуқуқини қўллаш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш, унинг барқарорлиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш;

давлат органлари ва ташиқлотларининг туман (шаҳар) тузилмаларида ҳуқуқий ишларнинг ҳолатини мониторинг қилиш, шунингдек, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва методик таъминлаш белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари тугатилсин.

5. 2018 йил 1 июлдан бошлаб, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (кейинги ўринларда ФХДЕ деб юритилади) органларининг ҳуқуқини қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, “ФХДЭнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимини юритиш, ФХДЭнинг ҳудудий архивларига раҳбарлик бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги зиммасига юклатилган ҳолда, ФХДЭ органлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимиятлари таъсирини ўтказилсин.

6. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра 2018 йилдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги давлат органлари ва ташиқлотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқини қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ахборот тақдим этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирлиги, ҳудудий адлия бошқармалари бошлиқлари ҳар ярим йил якуни бўйича тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, виллоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига жойларда норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқини

қўллаш амалиёти ҳолати бўйича ахборот тақдим этилади;

туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ҳар чорақда тегишлича туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларига туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташиқлотларининг норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқини қўллаш амалиёти ҳолати бўйича ахборот тақдим этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро арбитражлар ва суд ишлари масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида ваколатли давлат бошқаруви органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

давлат органлари ва ташиқлотларига, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатоналарига белгиланган тартибда халқаро арбитражлар ва суд ишлари масалалари бўйича бажарилиши мажбурий бўлган топшириқлар юбориш;

адлия органлари ва ташиқлотларининг давлат органлари ва ташиқлотларининг юридик хизматлари ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида, шу жумладан халқаро арбитражлар ва суд ишлари бўйича ўқитиш ва малакаларини ошириш учун ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасалари ва бошқа ташиқлотларига юбориш ҳуқуқини беришсин;

8. Тошкент давлат юридик университетининг Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази негизида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштирилган, бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 25 нафар бўлган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ташкил этилсин.

Куйидагилар Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қонунчиликни ва унинг тармоқларини ривожлантириш соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий концепциялар ишлаб чиқиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг инновацион услублари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш;

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатлари қўллалиниш амалиётини таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишини ривожланиш йўналишларини аниқлаш;

етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлиқни амалга ошириш.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ҳафталик мuddатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкил қилиш чора-тадбирларини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

бир ойлик мuddатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин;

икки ойлик мuddатда туман (шаҳар) ҳокимликларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкам

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ФИДОЙИЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ғолиблар биринчи даражали диплом, замонавий телевизорлар билан тақдирланди. Қайд этилган шахар ва туман ички ишлар бўлиmlарига "Нексиа" автомобиллари берилди.

Профилактика куни жорий этилгани аҳоли билан яқин ҳамкорлик қилишимизда кенг имкониятлар яратди, — дейди танлов ғолибларидан бири, Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги Урай-Элипоқ маҳалласига хизмат кўрсатувчи ички ишлар органининг 446-сонли таянч пункти катта профилактика инспектори Шавкат Хурсандов. — Бундай яқинлик натижасида маҳалла мухити яхшиланишига, жиноятчилик барҳам топишига эришдик. Нафақат маҳаллада истиқомат қилаётган, балки чет элларда ишлаётган фуқароларимиз ҳам эътиборимизда. Яқинда 5 фуқароимизни Россиядан қақриб олиб, маҳалла ҳудудиде уларнинг тадбиркорлик қилишига шароит яратдик.

Танловда иккинчи ва учинчи

уринни эгаллаган таянч пунктлари профилактика инспекторларига ҳам диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шунингдек, танловда "Энг фаол профилактика инспектори", "Энг фаол жазони ижро этиш инспекцияси ходими", "Ички ишлар органлари бошлиқларининг энг фаол ёшлар масалалари бўйича ўринбосари", "Энг фаол сектор раҳбари" номинациялари ғолиблари аниқланди ва тақдирланди. "Энг фаол маҳалла посбони", "Ибралти хотин-кизлар қўмитаси раиси", "Адолатли яраштириш комиссияси раиси", "Энг фаол ёшлар етакчиси"га Ички ишлар вазирлиги дипломи ва ҳамкор ташкилотлар совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон, Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Н.Йўлдошев, Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-кизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева иштирок этди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Таълим

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Мамлакатимизда ҳар томонлама билимли, юқори малакали, халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ишларини такомиллаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар" мавзусида навбатдаги матбуот анжумани Тошкент давлат юридик университети ҳамкорлигида ўтказилди.

Тошкент давлат юридик университети ўқув ишлари бўйича проректори М.Қамоллов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида юртимиздаги олий ўқув муассасалари талабаларининг касб маҳорати ва билим даражасини узлуксиз юксалтириш, таълим масканларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнига халқаро стандартларга асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув услубий материалларни кенг жорий қилиш каби масъулиятли вазифалар юклатилганлигини таъкидлаб ўтти.

Тошкент давлат юридик университетида ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий усулларини жорий этиш, модул тизими ва ўқитишнинг инновацион методларини ри-

вожлантириш, талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг таълим ресурсларидан унумли фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш сингари устувор вазифалар алоҳида аҳамият берилганлиги ҳам қайд этиб ўтилди.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 апрелдаги "Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро таълим стандартларига мувофиқ тубдан ислоҳ этишда дастурланган амал бўлмоқда.

— Айтиб ўтиш жоизки, ушбу вазифалар ижросини таъминлаш, замонавий билимга эга

бўлган бўлажак ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш учун энг аввало касбий маҳоратга эга, салоҳиятли педагоглар таркибини шакллантириб олиш жоиз, — дейди Тошкент давлат юридик университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Дилшод Умаров. — Бунда чет эл мутахассисларини таълим жараёнига жалб этиш билан бирга, талабаларнинг академик алмашилувини ҳам йўлга қўйиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адвокатлар палатаси билан ҳамкорликдаги амалий ишлар ўз самарасини беради.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Тиббиёт

ЖАВОБИ ЙЎҚ САВОЛЛАР ЁКИ ҚОИДАГА БЎЙСУНМАГАН ҲОЛАТЛАР

Бугунги кунда тиббиёт мутахассислари "қийин пациент" ёки "муаммоли касал"ларга кўп дуч келмоқда. Булар тўрт-бешта касаллиги бўлган беморлардир.

Бундай беморларнинг бир касаллиги қўлланиладиган дорида бошқа касаллигида қарши кўрсатма бўлиши мумкин. Ана шундай вазиятда тиббиёт ходими қандай йўл тутади? Тиббий адабиётларда келтирилган қоидаларга умуман бўйсунмайдиган ҳолатларга дуч келинганда беморни даволаш учун қандай самарали усулни қўллаш керак?

Пойтахтимизда мамлакатимиз ҳамда хорижий малакали тиббиёт мутахассислари, илмий-амалий тиббиёт марказлари олимлари, шифокорлар, фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари раҳбарлари, ёш тадқиқотчилар иштирокида ўтказилган "Инсон ва саломатлик" V республика конгрессида соҳадаги ана шундай ҳозиргача аниқ жавоби йўқ саволлар муҳокама қилиниб, жавоб изланди.

— Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан институтиимиз ҳамкорлигида аънанавий тарзда ҳар йили ўтказиб келинмоқда, — дейди Тошкент врачлар малакасини ошириш институти декани Феруза Ҳамрбоева. — Президентимизнинг тиббиётга оид фармон ва қарорларидеги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкилотчилар томонидан "йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, ечимини кутаётган долзарб масалалар, жумладан, биринчи марта психиатрия йўналиши дастурга киритилди, болалар даврий касалликларига алоҳида ургу берилди. Яна бир аҳамиятли жиҳати, хорижий етук мутахассисларнинг маърузаларига кенг ўрин ажратилди.

Конгрессда кардиология, неврология, педиатрия, пульмонология бўйича илмий жамиятларнинг янги клиник тавсиялари кўриб чиқилиб, иштирок-

чилар клиник эндокринология ва гастроэнтерология соҳасидаги сўнгги ютуқлар билан таништирилди. Дори воситаларининг резистентлиги ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш ва уларни мураккаб касалликларни комплекс даволашда қўллаш методикасини такомиллаштиришга оид маърузалар тингланди.

— "Инсон ва саломатлик" мавзусида ўтказилган нуфузли форумни Ўзбекистондаги узлуксиз тиббий таълимнинг муҳим таркибий қисми дейиш мумкин, — деди Украина тиббиёт стоматология академияси проректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Игорь Скрипник. — Тиббиёт соҳасидаги етакчи мутахассисларни жамлаган тадбир мулоқот майдонига айланди. Фикр ва тажриба алмашиш, мунтазам билимимизни бойитиб бориш биз, шифокорлар учун энг керакли омилдир. Секцияларда маълум бир соҳа, аниқ бир касалликнинг беморлар иштирокида пухта ўрганилгани, айниқса, жуда самарали бўлди.

Тадбир доирасида янги замонавий дори воситалари, ахборот технологиялари ва тиббий асбоб-ускуналар, тиббиётга оид буюмлар, махсус нашрлар кўргазмаси ҳам ташкил қилинди. Мамлакатимиз ва хорижий фармацевтика компанияларининг янги ишланмалари билан танишиш, инновацион дори воситалари, уларнинг самарадорлиги ҳамда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ишлаб чиқарувчилардан бевосита маълумот олинди.

Конгресс яқунлари асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан жамланадиган хулосалар шифокорларнинг келгуси фаолиятида қўлланма вазифасини ўтайди.

Моҳигул ҚОСИМОВА



УМР ДАФТАРИ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики уларнинг умр йўллари ёниб турган ёлқинга қиёслашади. Чунки бу ёлқин порлаб, атрофга нур ва зиё таратиб туради. Бундай инсонлар халқ манфаати, юрт равнақи йўлида фидойилик билан меҳнат қилади. Изланишлар олиб боради, ихтиролар қилади, янгиликлар яратади.

Миржамол Мирёқубов ҳам ана шундай заҳматқаш, изланувчан, иқтидорли кишилар сирасига кириди. У қарийб тўқсон йиллик умрини эл соғлигини мустаҳкамлашга сарфлаб келмоқда.

1952 йили Москва стоматология институти битириб мамлакатимизда стоматология ва тиш техникаси соҳасида мутахассислар тайёрлаш, касалликларнинг олдинчи олиш борасида самарали фаолият олиб бориб, 1962 йилдаёқ ўзбек тилида илк маротаба ортопедик стоматология соҳасида дарслик нашр қилдириди. Шу билан бирга бир қанча энциклопедия ва луғатларнинг ҳамкор муаллифи саналади. Мазкур китоблар стоматология касалликларининг олдинчи олиш ва профилактикаси учун талабаларга қўлланма бўлиб келмоқда.

Миржамол Мирёқубов шеърят соҳасида ҳам ижод қилиб, шеърый китоблар чоп эттирди. "Умрим мазмуни", "Дил изҳори", "Кўрганларим ва билганларим", каби шеърый тўпламлар шулар жумласидандир. Улар талабаларга дарс бериш ва инсонларни даволаш билан бирга, 12 йил Ўзбекистон стоматология илмий жамиятига раис бўлиб фаолият юритди ва нафақат шифокор олим, балки серкирра ижодкор қаторидандир. Биз Миржамол Мирёқубовга тани сийхатлик ва иждодий баркамоллик тилаб қоламиз ҳамда газетхонлар эътиборига уларнинг шеърларидан намуналар ҳавола этамиз.

Н.УСМОНОВА

МАСЖИДГА ЁМОН НИЯТДА ҚАДАМ ҚЎЙГАН ОДАМ

Халқимиз масжидларни "Оллоҳнинг уйи" деб билади ва бу муқаддас даргоҳга доим яхши ниятлар билан қадам қўяди.

Бу даргоҳга ёмон ният, гайри мақсад билан киришни кўпчилик тасаввурига ҳам сифдира олмайдди. Аммо, афсуски, орамизда ана шундай кимсалар ҳам йўқ эмас.

Фарғоналик фуқаро Нодир Эргашев (исм-шарифлар ўзгартрилган) 2018 йил 24 январь куни Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган Минор жомеъ масжидига ўғрилиқ қилиш мақсадида борганди. Таҳоратхонага бош суққан бу кимса пешин намозида келган фуқароларнинг шу ерда олиб қўйилган кийим-кечаклари томон юради. Ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, кийимларнинг чўнтақларини қовлаб кўради. Битта куртанинг чўнтағидан чиққан 400 минг сўм пулни олиб, воқеа жойидан яширинади.

Нодир, асли, аввал ҳам бундай қилмишлари учун бир неча бор судланган. Аммо у бундан тўғри хулоса чиқармади, қинғир йўлдан қайтмади.

Бундан ташқари, у 2018 йил 15 февраль куни худди шу масжид таҳоратхонасига кириб, фуқаро М.Равшановга тегишли куртка чўнтағидан 650 минг сўм пулни олиб, воқеа жойидан яширинган.

Ҳар икки жабрланувчи ҳам масжид ҳодимларига муурожаат қилган ва ҳодимлар кузатув камераси тасвирларини синчиклаб кўришган. Уларда Н.Эргашевнинг пулни олгани муҳрланиб қолган эди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир тумани судида мазкур жиноятларга оид иш кўриб чиқилди. Жиноятга баҳо беришда судланувчининг қилмишидан чин қўнғилдан пушаймон экани, оилавий шароити оғирлигига эътибор қаратилди. Бироқ у бир неча бор судланган, аввал енгилроқ жазо тайинланган бўлсада, бундан тегишли хулоса чиқармаган. Қисқаси, у ўзига берилган имкониятдан фойдаланмаган, бирор ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаган. Аксинча, қасддан жиноят содир этиш йўлига ўтган. Ана шулар ҳисобга олиниб, Н.Эргашевга Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан узил-кесил саққиз йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Жабрланувчиларга етказилган моддий зарар тегишли тартибда қоплаб берилиши белгиланди.

И.АХАТОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

"СУВСОЗ" ДУК "ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТИ" УК

Электр энергияси нархининг ошганлигини инобатга олиб, 2018 йил 1 майдан тижорат ва саноат корхоналари учун тарифларни қайта киритилишини хабар қилади: сув таъминоти бўйича — 1м³ учун 575 сўм, ҚҚСсиз. оқова сув бўйича — 1м³ учун 355 сўм, ҚҚСсиз.

"СУВСОЗ" ДУК

Тошкент шаҳар ҳокими Бош молия маҳкамасида тасдиқланган декларацияга мувофиқ 2018 йил 1 майдан Тошкент шаҳри бўйича янги тарифлар амалда фойдаланишига киритилди.

Сув таъминоти бўйича — 1 м³ учун 245 сўм 00 ҚҚСсиз. Оқова сув бўйича — 1 м³ учун 210 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 12 январдаги № 69-сонли қарорига биноан 2018 йил учун Тошкент шаҳрида ичкилик сув таъминоти хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ миқдори истемолчилар учун — 100 сўм 1м.қуб дан олинади.

Тошкент Давлат техника университети томонидан 2014 йилдан 2018 йилгача Ғаниев Маъмуржон Норбозор ўли номига берилган № 2425 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганига сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МАЙСАЗОРДА

Қорлар босиб ётган айрлар Аста-секин бағрини очди. Нафис шамол гул, чечакларни Аста силаб ҳидларин соғди.

Бирин-кетин сўлим майсалар Ёзар сепини қир-айрларга. Ҳар бирлари ўзича гўзал Узгачадир ифторлари ҳам.

Чўчмоқлар баланд бўй бериб Узоқлардан кўришиб турар. Унга кўзи тушган ёш-яланг У томонга ҳар он талинар.

Қийғос гулдан гулдаста ясаб Оналарга ҳаёт этамиз. Бундай дамлар сурури азал Бу дамларинг файзи ўзгача.

ҒАНИМАТ

Соғ-саломат, бардамликни тарқ этмай Димо шукр қилиб юрган ғанимат. Ота-онанг ҳам жисарлар бағрида Тула-тўқис бўлиб турган ғанимат.

Набиралар кўчогиде қувонча Биз ҳам шерик бўлганмиз ғанимат. Ғам-ташвишдан широк бўлиб, ҳар сафар Шу кунларни кўрганимизга раҳмат.

Бегўбор, ширин кулги, сўз билан Дилкаш дўстла сўхбат қурган ғанимат. Нурафшон бу жаннатмонанд дийдра Роҳат қилиб, гаитин сурган ғанимат.

Тотувликдан қўша қариб, Миржамол Жуфту ёрла даврон сурмоқ ғанимат.

Миржамол МИРЁҚУБОВ,
профессор-стоматолог

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Яккасарой туманидаги 25-мактаб юмшоқ мебель ва мебель жиҳозларини харид қилиш учун ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Умумий суммаси 20000000 миллион сўм. Таклифлар эълон чоп қилинган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади: Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 17-уй. Телефон: 253-37-49.

"Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Шайхонтоҳур тумани, Жаҳонаро кўчаси, 15-уй учун Махмудова Саодат номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Ёшлар ижод саройида "Ёш ватандошлар" халқаро фестивалининг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси Қ.Қуронбоев, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Абдуҳақимов, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўринбосари У.Бегимкулов ва бошқалар бундай йирик лойиҳалар нафақат юртимиз ёшлари, балки хорижда таълим олаётган, меҳнат қилаётган, яшаётган йигит-қизлар иштирокчида ўтказилаётгани замирида эзгу мақсадлар мужассам эканини таъкидлади.

Тадбирга Ўзбекистонда туғилган, лекин турли сабабларга кўра айни пайтда хорижда яшаётган ёки аждодлари ўзбекистонлик бўлган йигит-қизлар ҳам таклиф этилди. Мазкур лойиҳа юрт ривожига учун ўз хиссасини қўшишни мақсад қилган, ўзини унинг тақдирини дахлдор деб билган, ўз инновацион ғояларини ҳаётга татбиқ этишни истаётган ёшларни бирлаштирди.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда "ЁШ ВАТАНДОШЛАР" ФЕСТИВАЛИ

"Ёш ватандошлар" фестивалини ўтказишдан қўзланган асосий мақсад хорижда яшаётган ватандошларимизни юртимизнинг бой маданий мероси, халқимизнинг азалий қадриятлари, ёшларимизнинг бугунги ҳаёти, уларга яратилаётган кенг шароит ва имкониятлар билан яқиндан таништиришдир. Бундан ташқари, уларнинг лойиҳаларини юртимиз иқтисодиёти, илм-фани ва туризм йўналишларига кенг жорий этиш, таклифларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир.

Бундан сўнг бу каби тадбирлар кўпайишига ишонамиз. Тадбирларда ёшларнинг ўзаро фикр алмашишини таъминлаш, тажрибаларидан унумли фойдаланиш, уларни юртимиздаги ислохотларга кенг жалб этиш, инвестиция киритишга тарғиб қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилади.

Фестивалда 18 дан зиёд мамлакатдан 70 нафар ўзбекистонлик ёш ва юртимиз олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 400 га яқин йигит-қиз иштирок этмоқда. Улар жамиятимиз ҳаёти, давлатимиз ривожига, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, рўй бераётган ўзгаришлар билан танишмоқда.

Чет элда таҳсил олаётган ёшлар билан яқиндан танишганим, турли маданиятлар ҳақида суҳбатлашганимдан жуда хурсандим. Бу менда катта таассурот қолдирди. Илк бор ўтказилаётган ушбу фестиваль тадбирлари Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳам бўлиб ўтади. Хусусан, Самарқандда йирик лойиҳа – имконияти чекланган фуқароларнинг хунармандлик, халқ амалий санъати, тасвирий санъат йўналишларидаги ишлари аукционга ўтказилади. Хайрия аукционидан тушган маблағ эътиборга муҳтоаб оилалар шароитини яхшилашга сарфланади. Шунингдек, самарқандлик ёшлар учун маҳорат дарслари, давра суҳбати, Регистон майдонида 3D шоуси ташкил этилади. Ёшлар шаҳарнинг қадимий

обидалари ва бошқа диққатга сазовор жойлари билан ҳам яқиндан танишади. Бухоро вилоятида тарихий қадимжоларни зиёрат қилиш, вилоят ёшлари билан учрашув ва сайил режалаштирилган. Миллий ва замонавий спорт мусобақалари, фольклор ва дорбоз жамоаларининг чиқишлари, сумалак сайли ҳам бўлиб ўтади.

"Ёш ватандошлар" халқаро фестивали очилиши тадбиридан сўнг иштирокчилар тадбиркорлик, туризмни ривожлантириш, таълим, илм-фан ва ахборот технологиялари йўналишларида шўбаларга бўлинган ҳолда тақдимотлар ўтказди. Турли йўналишларда фаолият юритаётган хорижлик ватандошларимиз ўз билим ва тажрибаси нуқтаи-назаридан таклифлар билдирди.

Ун олти йилдан буюн Финляндияда яшайман, – дейди ЎЗА муҳбирига ёш тадбиркор Комила Султонова. – Хорижга илм олиш учун кетганим. Тақдир тақозоси билан у ерда оила қуриб, яшаб қолдим. Аммо туғилиб ўсган юртимни жуда соғинганим. Мазкур фестивалда таълим йўналишидаги янги лойиҳаларимни ҳаётга татбиқ этиш ниятида иштирок этмоқдам. Педагогларга инновацион таклифларимни бердим. Юртимиз таълим тизими тараққиётга ҳисса қўшмоқчиман. Ўзбекистон – истеъдодли ёшлар мамлакатидир. Улар учун шу юрда имкониятлар яратиши керак ва ёшлар ҳам ўз ўрнида Ватанимиз раванқига муносиб ҳисса қўлиши лозим.

Фестиваль доирасида турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашув ва семинарлар, либослар намойиши, кўргазмалар ташкил этилади.

Барно МЕЛИКУЛОВА

ЁЛФОННИНГ МИСИ ЧИҚДИ...

Дилмурод билан Баҳодир (исм-шарифлар ўзгартирилган) бир пайтлар Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўқиганида танишишган. Улар улғайишиб, уйли-жойли бўлишди. Д.Тоҳиров кейинги пайтлари Тошкент давлат иқтисодиёт университети маркетинг бўлимида ишларди.

Ҳаммаси 2017 йил эзида Баҳодирнинг жияни Малика Шоҳамидованинг Тошкент давлат аграр университетида ўқишга ҳужжат топширишидан бошланди. Баҳодир Дилмурод Тоҳировдан жияни Маликани ўқишга киришида, Тошкент давлат аграр университетида "танқаси" бўлса, ёрдам беришини илтимос қилди. Дилмурод танишлар бор, сўраб кўрай, кейин жавобини айтман, деди. Орадан бир оз вақт ўтиб, Баҳодир Шўҳрат Маҳкамов исмли таниши билан гаплаганини, иш 4000 АҚШ долларига биттишини маълум қилди.

Шундан сўнг бир неча кун ўтиб, танишлар Чилонзор туманида жойлашган Мўқимий театри олдига кўришадиган бўлишди. Баҳодир 4 минг АҚШ долларини Д.Тоҳировга берди. Улар илқ хайрлашди.

Сентябрь келиб, имтиҳон натижалари ҳам эълон қилинди. Аммо ўқишга қабул қилинганлар орасида Малика Шоҳамидованинг фамилияси чиқмади. Жияни ўқишга кирмади, энди пулни қайтариб олиш керак. Баҳодир бу ҳақда ошнас Дилмуродга бир неча бор кўнгирик қилганида, шу иш билан юрибман, дедию яна йўқ бўлиб кетди. Анча сарсонгарчиликдан сўнг Д.Тоҳиров Б.Маматовга 500 АҚШ долларини қайтариб берди, холос, қолган 3500 АҚШ долларини эгасига қайтарилмади.

Судда Д.Тоҳировнинг сўзлаб беришича, аслида у ўқишга киритаман деб, Б.Маматовдан олган пулларининг 500 АҚШ долларини қайтарганини кўриб олган эди. Ш.Маҳкамов эса олган пулларни ўзига олиб қолган эди. Ш.Маҳкамов эса олган пулларни ўз ақибига ишлатиб юборган, аслида ўқишга киритиш учун ҳеч ким билан гаплаганганини аён бўлди. Талаба қиз ўз билими ва омади билан ўқишга кириб кетса, бу Ш.Маҳкамов учун ҳам омад эди. Аммо бундай бўлиб чиқмади. Оқибатда, Б.Маматов пулни олиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза ёзишга мажбур бўлди.

Олиб борилган суриштирув ишлари натижасида Д.Тоҳиров ва Ш.Маҳкамовлар айбига қисман иқроқлик билдирди, Б.Маматовни алдаб келганини, қилмишидан пушаймон эканини айтишди. Суд Д.Тоҳиров ва Ш.Маҳкамовларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси, тегишли бандлари билан айб эълон қилиб, ихкасласини ҳам 2 йилга ахлоқ тузатиш жазоси тайинлади.

Ақбар ФАЙЗИЕВ, Божпрокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти Чилонзор тумани бўлими бошлиғи ўринбосари

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Божхоначилар почта жўнатмалари орқали марихуана уруғлари юборилганлигини аниқлашди.

Республикаимиз божхоначилари томонидан халқаро почта ва кўрерлик жўнатмалари орқали юборилаётган товарларни самарали божхона назоратидан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натيجида, бу йўналишда ҳам бир қатор божхона қонбузарлиқлари фош қилинмоқда.

Маълумки, 2008 йил 12 августда Женевада имзоланган Халқаро почта Конвенциясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 18 апрелда 2219-сон билан рўйхатга олинган "Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш" қондалари асосан почта жўнатмалари орқали гивхандлик воситаларининг жўнатилиши таққиланган.

Аммо, мазкур тартибларга риоя қилилмай почта жўнатмалари орқали бу турдаги махсулотларни юбориш ҳолатлари ҳам кўзга ташланмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг "Бошпочтамп" ташки иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан шу турдаги божхона қонбузарлиқларининг олди олинди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги пайтларда почта жўнатмалари орқали республикаимизга хорижий давлатлардан марихуана ўсимлиги, яъни нашанинг уруғларини юбориш ҳолатлари сурункали тус олган.

Жумладан, Россия Федерациясидан почта жўнатмалари орқали Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Фаёзуллоев номига 10 дона, Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Раҳматуллоев номига 2 дона, Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Уринбоев номига 5 дона марихуана уруғлари юборилган.

Шунингдек, Украинадан пойтахтимизда истиқомат қилувчи фуқаролар Лесничий номига 5 дона ҳамда Исҳоқов номига эса 8 дона наша уруғлари юборилган.

Ҳудди шундай ҳолат Белоруссиядан юборилган почта жўнатмалари орасида ҳам қайд этилди. Хусусан, ушбу давлатдан Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Нигматов номига келган почта жўнатмаси орқали 8 дона марихуана уруғлари юборилган.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг Божхона текширувлари ва суриштирув бўлими томонидан мазкур ҳолатлар юзасидан тегишли текширув ҳаракатлари олиб борилиб, иш материаллари юритилди ҳамда қонуний ҳал қилиш учун тегишли суд идорасига юборилган.

Суд қарорларига асосан божхона органлари томонидан вақтинча олиб қўйилган марихуана ўсимлиги уруғлари эндиликда тегишли тарзда йўқ қилинди.

Айрим фуқаролар ўз фойдаси йўлида қўзларига ҳеч нарса кўринмаслиги оқибатида белгиланган тартибда қондаларга амал қилмади. Лекин ҳар қандай ноҳўя хатти-ҳаракатнинг охири вай бўлишини унутмаслик лозим.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИМИЗ!

Бугунги кунда дунёда одам савдоси ноқонуний даромад топиш манбаи экани ва ижтимоий ҳавфининг юқорилиги жиҳатидан наркотик моддалар савдоси, қурол-яроғ сотишдан сўнг учинчи ўринда туради.

У ҳудуд, чегара, миллат танламайдиган мудҳиш жиноят. Ҳозирги глобаллашув ва ахборот асрида унинг домига енгил-елли ҳаёт кечиришни орзу қилиб юрган кўплаб ёшлар илминмоқда. Мамлакатлар учун ёшларни мазкур жиноят таъсиридан асраш, уларни иш билан таъминлаш долзарб масалага айланмоқда.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ўтказилган одам савдосига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ҳам ёшларни ушбу мудҳиш жи-

ноятдан асраш мақсадида ташкил этилди.

Одам савдосининг юзага келиши тарихи, ибтидоий кўринишлари ҳақидаги маълумотлар билан бошланган маърузалар жиноятнинг турлари, амалга ошириш усуллари, мақсади ва олиб келадиган мудҳиш оқибатлари ҳақидаги фикрлар билан давом этди.

Одам савдосининг салбий оқибатларини ўзида акс эттирган кўрсатув ва видеоорлик намойиш этилди.

(ЎЗА)

Пойтахтимиздаги 21-Меҳрибонлик уйда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан хайрия тадбири ташкил этилди.

БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ...

Тадбирда мамлакатимизда тиббий ва ижтимоий аҳолидан қатъий назар, ҳар бир ўғил-қизга алоҳида меҳр-эътибор кўрсатиш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашилаётгани таъкидланди. Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотлар ушбу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Ота-она меҳридан бебаҳра қолган болаларга ғам-хўрлик қилиш, уларнинг касб-хўна эгаллаши, жамиятга интеграциялашувини таъминлаш давлатимизнинг доимий эътиборида.

21-Меҳрибонлик уйда икки ёшдан ўн икки ёшгача бўлган

болалар тарбияланмоқда.

Бугунги хайрия тадбири ҳам болажонларга бир олам қувонч бағишлади. Тадбирда болалар учун ёнгин хавфсизлиги бўйича викториналар, эртак қахрамонлари билан саҳна кўринишлари, турли қизиқарли машғулотлар ўтказилди. Ёнгин содир бўлганда нима қилиш кераклиги, ёнгин хавфсизлиги хизматчиси қандай фазилатларга эга бўлиши, ёнгини келтириб чиқарувчи воситалардан эҳтиёт бўлиш лозимлиги ҳақида маълумотлар берилди.

Байрам тадбирида болалар учун яна бир қутилмаган совға тайёрланди. Апрель ойида таваллуд қилганини нишонлаган бир гуруҳ болалар учун катта торт ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди. Бу болажонларга

ҳақиқий тўхфа бўлди. Шунингдек, тадбир давомида дастурхон безатилиб, болаларга турли совғалар улашилди.

Ёнгини ўчирувчиларга доимо ҳавасим келади, чунки улар кўркмас, чаққон ва ботир бўлади. Энг асосийси, инсонларга ёрдам беради, – дейди ЎЗА муҳбирига тарбияланувчилардан бири Тоҳир Исаев. – Мен ҳам катта бўлсам, шу касбни танлайман. Бугунги тадбирда ўт ўчириш ҳақида маълумот олдик. Ўт ўчириш мосламалари, айниқса, ўт ўчириш машинаси билан танишганимиз бизга жуда ёқди.

Тадбир доирасида қуй-қўшиқлар янгради. Ёнгин ўчириш техникалари намойиш этилди.

Г.САТТОРОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

1. "Тошиссиқуввати" ИЧБ маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит ва ашёларнинг нархлари ошиб кетгани боис, **2018 йил 1 майдан** бошлаб қорхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергиясининг улгуржи тарифи ҚҚСсиз **76000,00** сўм/Гкал миқдоридан ва ҚҚС билан **91200,00** сўм/Гкал миқдоридан белгиланди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

2. "Тошиссиқуввати" ИЧБ УК Тошкент шаҳар аҳолиси эътиборига шуни маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит ва ашёларнинг нархлари ошиб кетгани боис, **2018 йил 1 майдан** бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тарифлар белгиланади:
Марказий иситиш **1 464,53** сўм/м²/тақвимий (календарь) йил ойи (иситиш майдони)
Иссиқ сув таъминоти:
- ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда **16 917,49** сўм/киши/ой
- умумий чўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун **12 584,98** сўм/киши/ой
- ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда **4 332,00** сўм 1 м² истеъмол қилинган иссиқ сув учун

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги "Республиканинг иссиқлик ва сув билан таъминлаш ташкилотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 300-сонли қарорининг 10-бандига мувофиқ, эслатиб ўтаемиз:

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН:

Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбоблари бўлмаган юридик шахсларга иссиқлик энергиясини етказиб бериш, иссиқлик энергияси учун белгиланган тарифнинг икки баробар миқдори қўлланилиб амалга оширилади (кўп хонадонли уйларда жойлашган юридик шахсларга иситиш учун етказиб бериладиган иссиқлик энергияси бундан мустасно).

АҲОЛИ УЧУН:

Рўйхатда турувчи фуқаролари бўлмаган ва иссиқ сувни ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилмаган турар-жой хоналарида иссиқ сув таъминоти хизматлари учун ҳисоб-китоблар, истеъмол қилиш мёъерлари бўйича, иссиқ сув таъминоти хизматларига қўйилган тарифларнинг 1,5 га оширилган ко-эффицентини қўллаган ҳолда қуйидагича ҳисобланади:
бир хоналик ва икки хоналик хонадонларда – бир киши учун;
уч хоналик хонадонларда – икки киши учун;
тўрт хоналик хонадонларда – уч киши учун;
беш хоналик хонадонларда – тўрт киши учун.



Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 Босма табоқ, офсет усулида босилади.
9803 нусxada босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ